

ТЕЙЛЕРИОЗНИ ДАВОЛАШДА БУПАЧЕК ПРЕПАРАТИНИ САМАРАДОРЛИГИ

Гойибназаров Қ.Х., Каримова Н.У., Гафуров А.Г.

Ветеринария илмий – тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРЕПАРАТА БУПАЧЕК В ЛЕЧЕНИИ ТЕЙЛЕРИОЗА

Гойибназаров Қ.Х., Каримова Н.У., Гафуров А.Г.

Научно – исследовательский институт ветеринарии, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

EFFECTIVENESS OF THE DRUG BUPACES IN THE TREATMENT OF THEILERIOSIS

Goyibnazarov K.Kh., Karimova N.U., Gafurov A.G.

Scientific Research Institute of Veterinary Medicine, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: nivi@vetgov.uz

Резюме. Аниқланишича, бупачекни қорамоллар теилериозида ҳайвонларнинг 100 кг тирик вазнига 5 мл дозада қўллаш кучсиз ҳисобланади, 24 соатлик интервал билан икки марта қўлланилганда эса, аниқ терапевтик самарадорликка эга, лекин бу ҳайвон организмни қўзғатувчилардан ҳалос қилмайди.

Калит сўзлар: Қорамолларнинг қон-паразитар касалликлари, теилериоз касаллиги, бупачек, касаллик қўзғатувчи, *theileria annulata*, *H.detrutum*, бупачек, препарат.

Abstract. It has been established that the use of bupachek in theileriosis of cattle at a dose of 5 ml per 100 kg of live weight of animals has a weak, and when used twice with an interval of 24 hours, a pronounced therapeutic efficacy, but does not sterilize the animal organism from pathogens.

Key words: Blood-parasitic diseases of cattle, theileriosis, bupachek, causative agent, *theileria annulare*, *H. detritum*, bupachek, drug.

Мавзунинг долзарблиги. Ветеринария ва чорвачилик соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохатларнинг туб негизида аҳолини сифатли ва арзон гўшт-сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашдек улуғ мақсадлар мужассамлашган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда қорамолларнинг қон-паразитар касалликлари, жумладан теилериоз касаллиги катта тўсқинлик қилади. Қорамоллар теилериози ўткир оқимда кечувчи, тана ҳароратининг юқори даражагача кўтарилиши, қон айланиш нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш тизимлари фаолиятининг бузилиши, организмда модда алмашинувини бузилиши, интоксикация ҳолати, лимфатик тугунларининг каттариб кетиши, анемия, шиллик пардаларида инфилтрация ҳолати ва унда қон қуйилишлар каби клиник белгилари намоён бўладиган трансмиссив касалликлар турига кириб республикамизнинг барча ҳудудларида кенг тарқалган ва чорвачиликни ривожлантиришда катта иқтисодий зарар етказди. Иқтисодий зарар, касалланган молларни ўлими, маҳсулдорлигини камайиб кетиши ва ветеринария санитария тадбирларига кетган харажатлардан иборат бўлади. Шундай экан, чорвачиликда хусусий секторга эътибор кучайтирилган ва чорвачиликни юритишда янги, замонавий тизимни келиб чиқиши ва хориждан қимматбаҳо ва маҳсулдор молларни валютага юртимизга келтирилиши каби соҳада туб ислохатлар амалга оширилган бир вақтда теилериозга қарши самарадор усулларни ишлаб чиқиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Теилериоз мавсумий касаллик бўлиб, иксод каналарининг фаоллик, яъни фаслнинг илиқ даврига тўғри келади. Республикамиз

ҳудудларида теилериозни *Hyalomma* авлодига мансуб уч эгалик *H.anatolicum* ва икки эгалик *H.detrutum* каналари тарқатади. Каналарнинг нимфа ёки имаго шакли касалликга берилувчан молларни чақиши билан бир вақтда ўз сўлак безларида мавжуд касаллик қўзғатувчи *Theileria annulata* деб номланувчи паразитларни ҳайвон танасига ўтказди. Каналар молларни чаққандан кейин 16-20-кунлари касалликнинг клиник белгилари намоён бўлади. Касалланган молларнинг тана ҳарорати 41-42⁰С гача кўтарилиши, лимфатик тугунларининг 3-4 баробаргача катталашиб кетиши, иштаҳасининг бузилиши, овқатдан қолиши, кавшамай қўйиш, ориқлаб кетиши ва шиллик пардалари анемия, инфилтрацияга учраши билан бир вақтда уларда қон қуюлишлар юз бериши билан тавсифланади. Бундай ҳолатда организмда модда алмашуви ҳамда гемопозининг бузилиши натижасида интоксикация ҳолатлари кузатилади. Теилериоз билан касалланган молларни даволашда кўпгина доривор воситаларни (гемоспоридин, беренил, азидин, диамидин, узбикарб ва хоказо) самарадорлиги ўрганилган ва уларнинг самарадорлиги 80-90% дан ошмаслиги аниқланган. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда таркибида асосий таъсир этувчи модда бупарвакон бўлган Бупачек препаратини теилериозни даволашдаги хусусияти ўрганилди. Натижада уларнинг теилериоз касаллигини даволашдаги хусусияти юқори даражада эканлиги исботланди.

Мақсад. Хитой ва Ўзбекистон билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ишлаб чиқарилган Бупачек препаратини қорамолларни теилериоз касаллигини даволашдаги хусусиятини

экспериментал ва спонтан касал молларда ўрганиш.

Тадқиқот материаллари, услублари ва натижалари. Бупачек препарати Хитой ва Ўзбекистон билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бўлиб тейлерияз даволашда молни ҳар 100 кг тирик вазнига 5,0 мл дан бир марта қўллаш учун тавсия қилинганлиги сабабли унинг самарадорлигини ўрганиш мақсад қилиб олинди.

1. Тейлерияз билан касал молни даволашда Бупачек, препаратини самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар бир гуруҳда 3 бошдан 3 гуруҳ молларида олиб борилди. Тажрибадаги молларни тейлерияз билан


спонтан касал молдан олинган қон билан териси остига 10 мл дан юбориб юқтирилди. Тажрибадаги молларда ҳар куни клиник ва паразитологик текширишлар олиб борилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида юқтиришдан кейинги дастлабки 17-18 кунлари ҳар учала гуруҳ молларида ҳам тана ҳароратини $40,8-40,9^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши ва ундан кейинги 3-4-кунлари тана ҳароратининг $41,5^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши, организмн беҳоллашуви, ташқи лимфатик тугунларини 4-5 баробар катталашуви иштахани йўқолиши ҳамда қавш қайтаришни сусайиши, кўриниб турган шиллик пардаларида анемия, инфилтрация ҳолатлари (1-2-расмлар) кузатилди.



Расм 1. Тейлерияз билан касал молни кўз шиллик пардаларидаги анемия, инфилтрация ҳолатлари



Расм 2. Тейлерияз билан касал молни курак олди лимфатик тугунларини 4-5 баробар катталашуви



Расм 3. Эритроцитларда тейлерияларни ривожланиши

Жадвал 1. Тейлериоз касаллигини даволашда бупачек, препаратининг самарадорлиги

Гуруҳ	Бош сони	Клиник белгилари ва паразитар реакция	Даволаш усули	Олинган натижалар	Самарадорлик
1	3	T-41,4-41,6 ⁰ c умумий аҳволи ҳомуш, лимфатик тугунлари 3 баробаргача каттарган, анемия, иштаҳа ва кавш қайтариш йўқ	Молни ҳар 100 кг тирик вазнига 5,0 мл дан	Даволашдан кейин 2-3 кунлари молни умумий аҳволи қисман яхшиланди, тана ҳарорати 0,8-1,0 градусгача пасайди, паразитар реакция 2 баробар гача камайди	паст
2	3	T-41,3-41,5 ^{0c} умумий аҳволи ҳомуш, лимфатик тугунлари 3 баробаргача каттарган, анемия.	Молни ҳар 100 кг тирик вазнига 5,0 мл дан кунаро 2 марта	Даволашдан кейин 2-3 кунлари молни умумий аҳволи яхшиланди, тана ҳарорати меёрлашди ва паразитлар 4-5 баробар камайди.	100%
3	3	T-41,3-41,5 ^{0c} умумий аҳволи ҳомуш, лимфатик тугунлари каттарган, анемия.	Препарат қўлланилмади	Молларни умумий аҳволи оғирлашиб пар-р реакц. ошиб борди.	-

Шу билан бир вақтда периферик қон томирларидан олинган суртмаларни ҳар бир кўриш майдончасида 8-14% гача эритроцитларни тейлериялар билан зарарланганлиги кузатилди (1-2-3- расм). Шундан сўнг 1-гуруҳ молларини ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 5,0 мл дан ва 2-гуруҳ молларини ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 5,0 мл дан кунаро 2 марта тейласиде препарати мушаги орасига қўлланилди. 3-гуруҳ молларига назорат сифатида препарат қўлланилмади. Тажрибадаги ва назоратдаги молларда ҳар куни клиник ва паразитологик текширувлар олиб борилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида бупачек қўлланилгандан сўнг иккинчи куни 1-гуруҳ молларини умумий аҳволи қисман яхшиланди, яъни тана ҳароратининг 0,8-0,9^{0c} гача тушиши, даволашдан олдин периферик қон томирларидан олинган суртмаларда эритроцитларни тейлериялар билан зарарланиши 2 баробаргача камайгани кузатилди, кунаро 2 марта бупачек қўлланилган 2-гуруҳ молларини умумий аҳволи даволашдан кейинги кунлари яхшиланди, тана ҳарорати физиологик нормага келди, периферик қон томирларидан олинган суртмаларда эритроцитларни тейлериялар билан зарарланиши 4 баробаргача камайгани кузатилди. Шу билан бир вақтда назоратдаги 3-гуруҳ молларида тейлериозни клиник белгилари ривожланиб борди ҳамда паразитар реакцияси ошиб бориши кузатилди (1-жадвал). Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида қорамолларни тейлериоздан даволашда молни ҳар 100 кг тирик вазнига 5,0 мл дан қўлланилган бупачек препаратининг самарадорлиги кам ва уни кунаро 2 марта ушбу дозада қўлланилганда самарадорлиги юқори даражада бўлиши аниқланди, шу билан бир вақтда препарат

қўлланилмаган 3-гуруҳ тажриба молларини умумий аҳволи оғирлашиб борди ва шу сабабли уларни талофатдан қутқариш мақсадида махсус препаратлар билан даволаб чиқарилди.

Хулоса. Тейлериоз билан касал молни ҳар 100 кг тирик оғирлигига кунаро 2 марта 5мл дан қўлланилган бупачек препаратининг самарадорлиги юқори даражада бўлиши аниқланди.

Адабиётлар:

1. Гафуров А.Г. Распространение пироплазмидозов в Зарафшанской долине Ж. Ветеринария, 1996-№3 -17-18б.
2. Стерилизующие свойства диамида при пироплазмозе и бабезиозе. Ташкент, Ж. Ветеринария. 1998 №2-с.12-13.
3. Имомов Н. Тейлериозни даволашда бупачек ва тейлекс препаратларининг самарадорлиги. Ж.Зооветеринария 2010, № 12 -22-24 б.
4. Гафуров А.Г. и др. Ветеринария Протозоологияси. Самарканд, 2013-120 б.
5. Расулов Ў.И., Гафуров А.Г., Тейлериозни даволашда тейлерсан препаратини самарадорлиги. Ветеринария медитсинаси-Тошкент, 2018 № 9 – Б.21-23.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРЕПАРАТА БУПАЧЕК В ЛЕЧЕНИИ ТЕЙЛЕРИОЗА

Гойибназаров К.Х., Каримова Н.У., Гафуров А.Г.

Резюме. Установлена, что применение бупачек при тейлериозе крупного рогатого скота в дозе по 5 мл на 100 кг живой массы животных обладает слабой, а при применении дважды с интервалом 24 часа выраженной лечебной эффективностью, однако не стерилизует организм животных от возбудителей.

Ключевые слова: Кровепаразитарные болезни крупного рогатого скота, тейлериоз, бупачек, возбудитель, тейлерия кольцевидная, *H. detritum*, бупачек, препарат.